O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 8-NOYABR ■ SHANBA ■ 130 (27.150) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 ноябрь куни Оқсаройда Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Яшвант Синхани қабул қилди.

— Ташрифингиз Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланаётганининг яна бир исботидир, — деди давлатимиз раҳбари учрашувда. — Ҳиндистон ўзининг бой тарихи, маданияти, иқтисодий салоҳияти билан жаҳон ҳамжамиятида катта мавқега эга давлат.

Ўзбек ва ҳинд халқларини кўп асрлик алоқалар боғлаб туради. Муносабатлар, айниқса, Бобурийлар даврида анча тараққий топган. Икки халқ урф-одатлари, анъаналарининг бир-бирига яқинлиги мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар барқарор ривожланмоқда. Маданият ва таълим соҳаларида ҳам ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. 1993 йилда жорий этилган Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик дастури (АЙТЕК) бўйича шу кунгача Ўзбекистоннинг олти юздан зиёд мутахассиси Ҳиндистонда малака ошириб қайтди. Ўзбекистон билан Ҳиндистоннинг дунёвий муаммолар, айниқса, халқаро террорчилик, диний-сиёсий айирмачилик, гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларида ҳам қарашлари ўхшаш.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий, илмий-техникавий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, шунингдек, минтақадаги вазият, халқаро миқёсдаги муаммоларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида мазкур қарор ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов бошқарди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони А.Орипов, «Ўзтелерадио» компанияси раисининг биринчи ўринбосари Ф.Рўзиев, Миллий Олимпия қўмитаси раиси А.Носиров ва бошқалар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган мазкур қарор мамлакатимизда спортни ҳар томонлама ривожлантириш, ёш авлодни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш ишида муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда мазкур ҳужжатнинг асл моҳияти, ундан кўзланган мақсад, белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасидаги ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(ЎзА)

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни 345 минг тонналик юксак пахта хирмони бунёд этиб, йиллик шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Қишлоқ хўжалиги учун ҳар қачонгидан ҳам оғир келган бу йилги мураккаб табиий шароитда сиз, мард ва ориятли, сўзи билан иши бир сурхондарёлик пахтакорларнинг мавжуд қийинчиликларни мардона енгиб қилган фидокорона меҳнатингиз, ғайрат-шижоатингизнинг амалий натижаси бўлган бу улкан муваффақият барчамизни беҳад қувонтиради.

Бу йилги мавсумда сизларнинг пахтачилик билан бир қаторда ғалла етиштириш бўйича ҳам қўлга киритган катта меҳнат ғалабангиз замирида авваламбор Сурхон воҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, деҳқончиликка замонавий технологияларни кенг ва оқилона жорий этиш, одамларда меҳнатга янгича муносабатни, ерга эгалик туйғусини шакллантириш борасида амалга ошираётган ижобий ишларингиз мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугунги ютуққа муносиб ҳисса қўшган Денов ва Сариосиё, Жарқўрғон ва Шўрчи, Термиз ва Қумқўрғон туманлари пахтакорларига, Сурхон воҳаси деҳқончилик мактабининг қадимий шуҳратини тиклаш йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай тинимсиз меҳнат қилаётган деҳқон ва фермерлар, ширкат хўжаликлари аъзолари, механизатор ва мутахассисларга, бутун вилоят аҳлига ҳар қанча таҳсин айтсак, арзийди.

Келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, тадбиркорлик ва омилкорлик фазилатларини намоён этиб келаётган сиз, қалби қайноқ Сурхондарё аҳлининг бошқа соҳаларда ҳам юксак натижаларга эришиб, йилни ёруғ юз билан якунлашингизга ишонаман.

Барчангизни бугунги меҳнат зафарингиз билан яна бир бор қутлаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ҳорманг, ҳамиша омадингизни берсин, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«Пахта-2003»

СУРХОН ДЕҲҚОНИ ҒАЛАБАСИ

ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛГАНИ ЙЎҚ. УНИНГ ЗАМИРИДА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ВА ЕРГА ЧИНАКАМ ЭГАЛИК ҲИССИ МУЖАССАМ...

Вилоят миришкорлари жорий йилда фақат пахтанинг ўзидан 75 миллиард 300 миллион сўмдан ошиқроқ даромад олишди. Шундан соф фойда — 15 миллиард 600 миллион сўмни ташкил этмоқда. Рентабиллик даражаси эса 26,1 фоиз...

Бу рақамларни 2002 йил ҳосили билан таққослайдиган бўлсак: ўтган йили вилоят бўйича пахта ҳосили жами 46 миллиард 800 миллион сўм даромад берганди. Соф фойда бор-йўғи 2 миллиард 400 миллион сўм бўлиб, рентабеллик 5,4 фоиз эди. Қисқаси, воҳадаги кўпгина хўжаликлар давлатдан қарздор бўлиб қолишувди...

Йилнинг бошида бўлиб ўтган бир йиғилиш тафсилотлари ҳеч ёддан кўтарилмайди. Ўшанда деҳқонларнинг бир гуруҳи сўз олиб, бир пайтлар сурхондарёликлар пахтачилик бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратганини, чигитни эгат пуштасига экиш тажрибаси бутун республика хўжаликларида оммалаштирилганлигини айтишди. «Не бўлдики, охирги 8 йилда Сурхондарёда пахта тайёрлаш режаси бажарилмаяпти. Айб уруғдами, об-ҳаводами ёки деҳқонлардами?»

Йиғилишда келишиб олинди: «Нима бўлса ҳам 2003 йилда режани бажаришимиз керак..!»

... Энг аввало, шудгорлашнинг сифатига эътибор кучайтирилди. Далалар асосан икки ярусли плуглар билан 40-45 сантиметр чуқурликда ҳайдалди. Шудгор олдидан ҳар гектар ерга 100-120 килограммдан фосфорли ўғитлар сочилди. Ғўза ўстириладиган майдонларнинг асосий қисмига пушта олинди. Тажрибада синалган, маҳаллий шароитга мос, серҳосил ва тезпишар «Оққўрғон-2», «Бухоро-6», «Наманган-77», «Термиз-31» ҳамда «Денов» навлари уруғини экиш маъқул кўрилди.

Баҳор анча илиқ ўтди. Деҳқонлар экиш ишларини олдинги йилларга нисбатан барвақт бошлашди. Кўп хўжаликларда ҳатто чигит кўкариб ҳам қолувди. Бироқ, табиат табиатлигини қилиб, деҳқонни синовдан ўтказди: вилоят бўйича 26 минг гектар майдонда чигит қайта экилди. Устма-уст ёққан ёмғир далаларда қатқалоқни кучайтириб, деҳқон ташвишига ташвиш қўшди...

2-бет



Суратда: сурхон меҳнаткашлари пахта далаларида

ИЗБОСКАНЛИКЛАР МАРРАДА

Андижонда пахта йиғим-терими жадал давом этиб, маррага етганлар сони кун сайин кўпаймоқда. Кеча Избоскан тумани деҳқонлари ҳам шартномавий режасини биринчилар қаторида бажаришди. Давлатга 28635 тоннадан зиёд пахта топширилди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 32,5 центнердан ошди.

Бундан анча илгари туманнинг Абдусамат Тиллабоев номли ширкат хўжалиги пахтакорлари йиллик топшириқларини вилоятда биринчи бўлиб адо этишганди. Унинг изидан «Андижон», «Избоскан», «Урганжи», «Чўнгбоғиш», Бобур, Ш.Юсупов «Шарқ юлдузи», Н.Жўраев номли ширкат хўжаликлари ҳам маррага барвақт етиб келиб, туман хирмонига баракали ҳисса қўшдилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ҳ.Караматов Франция Республикаси президенти Ж.Ширакка ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва иқтисодий, сармоявий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Айни пайтла Ж.Ширак Ўзбекистоннинг маданий ва илмий салоҳияти умумэътироф этилганини ва у Франция халқида ва шахсан унда қизиқиш уйғотаётганини қайд этди.

«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА



Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 11 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Шу муносабат билан парламентнинг навбатдаги сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров бошчилигида депутатлар ишчи гуруҳи тузилди.

Депутатлар ишчи гуруҳи 7 ноябрь куни ўзининг биринчи мажлисини ўтказди.

Ишчи гуруҳи раҳбари мажлисни очар экан, парламентнинг навбатдаги сессияси муҳим аҳамиятга эга эканлигини, унда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилишини таъкидлади. Олий Мажлис ўн учинчи сессиясини сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш, депутатлар самарали ишлаши учун мақбул шарт-шароитлар яратиш зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Сессиянинг муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан унга парламент қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоклари қандай тайёргарлик кўришига боғлиқдир. Мажлисда депутатлар ишчи гуруҳининг ҳозирги кундаги асосий вазифаси сессия муҳокамасига киритиладиган барча ҳужжатларнинг лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлашдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди. Айни вақтда мамлакатимиз қонун чиқарувчи олий органининг бўлажак сессияси билан боғлиқ бир қатор масалаларни ўз вақтида ҳал этиш ҳам муҳим аҳамиятга молик эканлиги айтилди.

Депутатлар ишчи гуруҳи фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида унинг таркибида учта кичик гуруҳ тузилди. Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева бошчилик қиладиган биринчи кичик гуруҳнинг асосий вазифаси Олий Мажлис муҳокамасига киритиладиган қонун лойиҳалари вақтида тайёрланиши, сессияга доир материаллар депутатларга олдиндан етказилиб берилишини таъминлаш ҳамда ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан тушадиган таклифлар ва мулоҳазаларни умумлаштириб боришдан иборат.

Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ў.Ҳошимов етакчилигидаги иккинчи кичик гуруҳ журналистларни аккредитация қилиш, парламент сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилишини ташкил этиш масалаларини ҳал қилади, «Рада-Мажлис» электрон овоз бериш тизими аниқ ишлашини ва ялпи мажлислар залида синхрон таржима қилинишини таъминлайди.

Учинчи кичик гуруҳ зиммасига сессия вақтида депутатлар унумли ишлашлари учун уларга зарур шарт-шароитларни таъминлаш билан боғлиқ масалалар юклатилди. Ушбу кичик гуруҳга Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев раҳбарлик қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаларини сифатли тайёрлаш, уларни депутатларга ўз вақтида юбориш, киритиладиган таклифларни ўрганиш ва ҳисобга олиш масалаларига катта эътибор қаратилди. Сессияга тайёргарлик кўриш ва сессия ишини, сиёсий партиялар депутатлар фракцияларининг, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларининг қонунчилик ишидаги фаол иштирокини оммавий ахборот воситаларида кенг ва мунтазам ёритиб бориш муҳим эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда депутатлар ишчи гуруҳи аъзолари қонун ҳужжатларининг лойиҳалари устида олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот бердилар, амалга ошириладиган ишлар режасини атрофлича муҳокама қилдилар, иккинчи чақириқ ўн учинчи сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир турли масалалар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

БОННЛИК ЎҚУВЧИЛАР ҲАЙРАТИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳри мана бир неча йилдирки, Германиянинг қатор шаҳарлари билан биродарлашган. Бугун бу биродарлик ва ҳамкорлик тимсолини Бонн шаҳридаги Бетховен гимназияси бир гуруҳ ўқувчиларининг Бухорога ташрифида кўриш, айниқса қувонарлидир. Ўқувчилар шариф шаҳарнинг немис тили чуқур ўрганиладиган 4-мактабини танлаб хато қилмаган эканлар. Бир неча йилдан буён ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланиб келинаётган ҳар иккала билим даргоҳидаги борди-келдилар юқори самара беряпти. Бир неча ой илгари 10 нафар бухоролик ўқувчи Боннда бўлишганди.

Меҳмонлар ҳамкор мактабда таълим-тарбия жараёнини кузатиш билан кифояланмай, балки қадимий шаҳар тарихий обидаларини ҳайратла томоша қилдилар. Бугина эмас, бухоролик ўқувчилар хорижлик тенгқурларини ўз хонадонларида ҳам меҳмон қилдилар.

Даврон БАҲРОНОВ

КОМПЬЮТЕРЛАР СОВҒА ҚИЛИНДИ

Жанубий Корея мамлакатининг Ёнсан-Гу шаҳри ҳокими Пак Чунг Кю раҳбарлигидаги кореялик меҳмонлар делегацияси Фарғонага ташриф буюрди. Ташриф чоғида меҳмонлар Фарғона вилоятининг иқтисодий аҳволи, мустақиллик йиллари бу ўлкада амалга оширилган улкан ўзгаришлар билан танишдилар. Делегация аъзолари корейс маданий марказида бўлиб икки халқ ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган марказ фаолияти билан қизиқдилар. Улар марказнинг янада фаолроқ ишлаши учун 20 дона замонавий компьютер совға қилишди. Компьютерлар шаҳар халқ таълими муассасаларига ҳам топширилди. Ташриф сўнгида Фарғона ва Ён-сан-Гу шаҳарлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Алишер ИБОДИНОВ

МЕҲНАТ САМАРАСИ

Мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири «Навоий азот» ОАЖида бугунги кунда 31 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Меҳнат самараси ўлароқ корхонада жорий йилнинг тўққиз ойида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 фоизга ошди.

Айни пайтда корхона жамоаси маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш йўлида изланяпти.

— Яна олти турдаги маҳсулотимиз экспорт қилинадиган бўлди, — дейди «Навоийазот» ОАЖ бошқаруви раисининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Баҳодир Шарипов.

Изланиш, ташаббус ютуқларнинг бош омили бўлаётир. Асосий маҳсулотлардан ташқари қарийб бир ярим миллиард сўмликка яқин халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилгани фикримиз исботи.

Меҳнатга яраша даромад деганларидек ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш ҳам муваффақият омили бўлмоқда.

Ўткир ПЎЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 2003 йил 11 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 6 ноябрь.

✧✧✧

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.

2. «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

3. «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.

4. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

5. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

6. «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

7. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

8. «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

9. «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).

10. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

11. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

✧✧✧

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

«Пахта-2003»

СУРХОН ДЕҲҚОНИ ҒАЛАБАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугун уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, «пахтани темир пиширади», деган гапни эшитасиз. Бу иборада жон бор. Чунки чигит экишдан тортиб, то ҳосил пишгунча ғўза орасида асосан техника ишлайди-да. Мавсумда вилоятдаги машина-трактор парклари мутахассисларининг елиб-югуриши туфайли далада ишлайдиган техникаларга 5 миллиард сўмликдан кўпроқ ҳар хил эҳтиёт қисмлар, шиналар етказиб берилди. Бу эса деҳқон даласида тракторлар бузилмай ишлашини таъминлади.

Деҳқоннинг яна бир шериги — маъдан ўғитлар етказиб берувчи ташкилотлар — хусусан, вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмаси ва унинг жойлардаги филиаллари ишчи-хизматчилари саъй-ҳаракат билан ғўза қатор ораларига солинадиган ўғитнинг асосий қисмини бу йил апрель ойи бошидаёқ ғамлаб қўйилди. Энг кеч келган ўғит ҳам июннинг ўрталарида пахтазорга кирди. Бу ҳол ғўза парвариши агротехник тадбирларини вақтида бажаришга имкон берди. Ҳосилга ҳосил қўшишда энг муҳим давр — ғўза ўсув нуқтасини чилпиш тадбири ҳам бир ойча олдин бошланди ва бу билан ҳосилнинг бир қисми тўкилиб кетишининг олди олинди.

Энг серташвиш ва масъулиятли мавсум — ҳосилни йиғиштириб олиш жараёнлари бу йил вилоятда одатдагидан кўра хийла тадбиркорлик ҳамда уюшқоқлик билан жорий этилди. Ўтган йиллар воҳанинг кўп хўжаликларида йиғим-теримга асосан йигирманчи августда оммавий равишда киришиларди. Теримчилар лўппи-лўппи очилган пахталар билан бирга эндигина «оғзи очилган» кўсакларни ҳам ёриб, хом пахтани қўшиб теришарди. Ана шу хом пахта ҳам тола сифатига, ҳам умумий хирмонга таъсир қиларди.

Бу мавсумда эса то 25 сентябргача сабр қилинди. Терим кўсакларнинг 80-85 фоизи тўлиқ очилгач бошланди. Албатта, бу хил иш тартиби неча йиллардан бери йигирманчи август бўлмаёқ теримга киришиб кетадиганларни аввалига бироз норози қилгандай бўлди. Лекин бугун эришилган ғалабадан сўнг улар айни бу йилги шароитда шундай «тажриба» қўлланилганини энг мақбул иш бўлди, деб эътироф этишмоқда. Негаки, пахта роса етилиб пишса тош босади, чигити тўқ, тола сифати юқори бўлади. Буни вилоятда ҳозиргача тайёрланган «оқ олтин»нинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинганилиги ҳам кўрсатиб турибди. Қолаверса, йиғим-терим даврининг чўзилиб кетиши ҳоллари барҳам топди. Қиёслаб кўринг: 2002 йил пахта терими 75 кун давом этса-да, режа бажарилмади. Бу мавсумда эса ҳосилнинг асосий қисми 41 иш кунида йиғиштириб олинди.

Ҳосил эртаги бўлсин, деган мақсадда Шўрчи, Олтинсой, Денов, Узун ва Сариосиё туманларида бу йил асосий майдонларга чигит плёнка остига экилди. Бироқ, пахтачилик бўйича ўзига хос мактаб яратган Сариосиё тумани деҳқонларининг ютуғи жорий йилда фақат плёнка остига чигит экканликларига боғлаб бўлмади. Хўжаликлар даласларида ғўзанинг серҳосил бўлиши ва туман деҳқонлари нафақат вилоятда, балки республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажаришгани ҳамда мамлакатимиз Раҳбаридан қутлов олишининг сабаблари бор: энг аввало, таъбир жоиз бўлса, туманда ҳар туп ғўзанинг ўз эгаси бор. Масалан, Искандар Диёров номли ширкат хўжалигининг тажрибали деҳқони Убайдулла Раҳимов бош пудратчи бўлган жамоанинг 48 гектар пахтазори 48 оилавий ширкатчига бир гектардан тенг тақсимлаб чиқилган. Демак, ҳар бир оила аъзоси бир гектар ердаги ғўзанинг уволсавобига масъул.

Дангалини айтганда, Сариосиёда ширкат усули ҳар томонлама ўзини оқлаяпти. Шу боис туман пахтакорлари бундан йигирма кунча илгари 17 минг тонналик режаларини бажариб, яна қўшимча 5 минг тонна ҳосил топшириш мажбуриятини қабул қилишганди. Вилоят деҳқонлари зафар қучган бугунги онларда сариосиёликлар ана шу мажбуриятларини ҳам адо этишди. Табийки, режадан ортиқча йиғиштириб олинган ҳосил учун туман миришкорлари энди Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, 20 фоиздан устама ҳақ оладилар.

Вилоят шимолида жойлашган яна бир туман — Денов халқини кўплар ишбилармон, тадбиркор деб таърифлашади. 10-15 сотихли томорқасидан йилига 3-4 миллион сўмлаб даромад кўраётган уста деҳқонлар ҳам шу туманда яшашади. Кўҳна Чағаниён замини аҳли бу йил 43 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» хомашёси тайёрлашди. Шунингдек, Жарқўрғон, Шўрчи, Қумқўрғон, Термиз туманлари пахтакорлари ҳам маррага пешқадамлар сафида етиб, 345 минг тонналик Сурхондарё хирмонига қут-барака қўшдилар.

Вилоят қишлоқ хўжалиги тармоқларини, айниқса, пахтачиликни ривожлантиришда фермерлар улуши салмоқли. Дастлабки кезларда бу ерда пахтачилик соҳасида саноқлигина фермерлик жамоалари тузилган бўлиб, уларнинг ер майдони 10-15 гектардан ошмасди. Бугунги кунда тармоқда 2,5 минг нафардан зиёдроқ шундай жамоалар фаолият кўрсатаяпти. Ҳар бирининг ер майдони ўртача 50-60 гектарни ташкил этмоқда. «Сурхон» фермерлар уюшмаси аъзолари рекорд натижани қўлга киритиб, қабул пунктларига 7750 тонна ўрнига 9750 тоннадан зиёд сифатли хомашё етказиб беришди. Рўзибой Эшназаров етакчилик қилаётган «Улуғбек-2», Муродулла Аллаёров бошлиқ «Бекзот», Хайрулла Шаропов раҳбарлигидаги «Ғайбулла Ал Камол», Сафар Чоршанбиев бошлиқ «Умидли келажак», Эшбўри Қулатов сардорлигидаги «Намозбобо», Раҳматулла Валиев, Абдулҳаким Ҳайдарқуловлар бош бўлган «Эски қўрғон», «Нурли келажак» фермер хўжаликлари аъзолари ҳар гектар майдондан 50 центнердан ошириб хирмон уйишди.

Кези келганда вилоятнинг энг кенжа ва қўриқ туманларидан бири — Бандихон ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Туман ташкил этилганига ўн йилдан ошиқ вақт ўтган бўлса-да, бор-йўғи бир йилгина пахта тайёрлаш режасини уддалаган. Лекин ўша йил қайси йил эканлигини, гапнинг тўғриси, ҳозир айрим мутахассислар ҳам эслай олишмайди. Бу йил эса чўлқувар бандихонликлар пахта майдонларидан 14,5 минг тонна хомашё йиғиштириб олишди.

Алоҳида таъкидлаш керак, бу йил вилоятдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кўп сонли ҳашарчилари, корхона, ташкилот ишчи-хизматчилари ҳам пахтакорларга ҳосил йиғим-теримида елкадош бўлишди. Чўнг хирмоннинг бунёд этилишида нафақат сафарбарлик ва катта ташкилотчилик, балки, теримда қатнашган кишиларнинг рағбатлантириб борилганлиги ҳам самара берди. Вилоят «Пахтабанк» бошқарувчиси Хурсанд Бозоровнинг айтишича, йиғим-теримда иштирок этганларга 13 миллиард сўмдан зиёд пул тарқатилди. Ҳар ўн кунда 80-100 минг сўмлаб иш ҳақи олган илғор теримчилар сонини санаб адо этиб бўлмайди.

Мавриди келганда сурхондарёлик деҳқонларнинг ўзига хос тадбиркорлигини ҳам эътироф этиш лозим. Мана, ўн кундан буён хирмонга кунига муттасил 350-360 тоннадан пахта тўкилаяпти. Табиийки, мавсум охирида пахтазордан шунча ҳосил йиғиштириб олиш — ўз-ўзидан бўлмайди. Деҳқонлар бир неча мавсумдан буён июнь ойида ҳосили йиғиштириб олинган ғалла ўрнига ғўзанинг тезпишар «Юлдуз», «Меҳр», «Армуғон» навлари уруғини экиб, яхшигина ҳосил олишмоқда. Бу йил вилоятда 7 минг гектардан кўпроқ майдонга такрорий экин сифатида шундай навли чигитлар қадалди. Мутахассислар эътирофича, кечки пахтазорлардан яна 30-35 минг тонна ҳосил йиғиштириб олиш имкони бор.

Хулоса шуки, 2003 йил Сурхондарёда пахта йили бўлди. Сурхон деҳқони пахтачиликда ўзига хос мактаб яратишга қодир эканлигини яна намойиш этолди. Бугун унинг эл-юрт олдида юзи ёруғ, қадди тик!

Қучган зафаринг, улкан хирмоннинг муборак бўлсин, воҳа деҳқони!

Усмонали НОРМАТОВ,
журналист,
Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИККА БАҒИШЛАНДИ

«Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда Ҳиндистон мудофаа тадқиқотлари ва таҳлил институти томонидан ташкил этилган «Ҳиндистон — Марказий Осиё минтақавий конфедерацияси» халқаро анжумани бўлиб ўтди.

Маълумки, минтақамиздаги сиёсий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятининг Марказий Осиё минтақасидаги муаммоларга бўлган қизиқишларини орттирди.

Конференцияда Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳиндистон, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Туркия, Россия, Эрон, Афғонистон, Сингапур ва бошқа давлатлар вакиллари, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилотлар Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Иттифоқи, НАТО ҳамда қатор молиявий тузилмаларнинг 50 га яқин мутахассислари иштирок этдилар.

Анжуман қатнашчилари Марказий Осиёда хавфсизликнинг янги муҳити шаклланишига таъсир этувчи ва минтақавий ресурслар, минтақадаги давлатлар иқтисодиётининг ҳамкорлигига тўсиқ бўлаётган омилларга нисбатан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Саида САЙХУН,
Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Ҳуқуқий ислоҳот

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД

Ҳар бир фуқарога нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этилса, албатта, адолат излаб судга мурожаат қилади. Шу жиҳатдан суд ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини амалдаги қонунларга таянган ҳолда ҳимоя қилиши шарт.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида мамлакатда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича долзарб ташаббус билан чиқиши, «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунининг яратилишига асос бўлди. Ўз навбатида мазкур қонуннинг кучга киритилиши эса суд-ҳуқуқ идоралари фаолиятида жуда катта ўзгаришларни юзага келтирди. Биринчи галда жиноятларни таснифлаш (классификациялаш) мезонлари ўзгартирилди.

Янги қонунга кўра уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланиши назарда тутилган жиноятлар ҳам ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар қаторига киритилди. Бу ўзгаришлар тергов ва суд амалиётида эҳтиёт чорасини танлаш ва жазо тайинлашда кескин бурилиш бўлди. Бу билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган айбдор шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш имконияти кенгайтирилди.

Янги қонуннинг ҳаётдаги амалиёти натижасида жиноят ишларини кўрувчи Қашқадарё вилоят, туман, (шаҳар) судлари томонидан 71 шахснинг жазони ўташ жойларидан озод қилинишга олиб келди. Шунингдек, ҳукм чиқариш пайтида туман ва шаҳар судлари жиноят орқасида етказилган 22 998 406 сўм зарар ундирилганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазо тури қўлланилмаган.

Илгари ЖКнинг фақатгина 7-моддасида, агар жиноят содир этган шахс етказилган зарарнинг ўрнини қопласа, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш чорасини қўлламаслик назарда тутиларди. Эндиликда бундай моддаларнинг сони 12 тага етди. Шунингдек, янги қонунга кўра Жиноят кодексига «Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш», яъни 66-1-модданинг киритилганлиги юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг муваффақиятли амалга оширилаётганлигининг ёрқин намунасидир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу норма Ўзбекистонда ҳозиргача қабул қилинган бирорта жиноят қонунида мавжуд эмас эди. Демак ЎзР ЖКнинг янги 66-1-моддасида, кодекснинг 167-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлиб етказилган зарарни тўлиқ қопласа, жабрланувчи томон билан ярашса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Энди мисолларга ўтсак: жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг шу йил 18 апрелда бўлиб ўтган суд жараёни худди шундай ҳолатни кўриб чиқди. Судланувчи Қўзибой Раҳимов 1070 литр дизел ёқилғисини ўз бошқарувидаги «МАЗ» русумли автомашинада Миришкор туманидан ноқонуний йўл билан Ғузор туманига олиб келиб талон-торож қилганликда айбланди. Айбланувчи Қ.Раҳимов ва фуқаровий даъвогар Ў.Арслоновнинг судга тақдим этган аризаларига кўра, бир-бирлари билан ярашган, камомад тўлиқ қопланган. Шу сабабли жиноят ишини ярашув асосида тугатишга суд ҳайъати ажрим чиқарди.

Судланувчи Шуҳарт Мурадиляев Косон туманидаги Беруний номли кооператив ширкат хўжалигининг қўйчилик бригадаси етакчиси вазифасида ишлаб келади. У хўжаликка жами 27072140 сўм миқдорида моддий зарар етказади. Судланувчи томонидан талон-торож қилинган юқоридаги зарар тўла қопланмаганлигидан у суд ҳукми билан тегишли жазосини олди. Судланувчи Улуғбек Муҳиддинов Қарши шаҳар «Шоҳбекат» бозоридаги дўконда фаолият кўрсатиб, 2002 йил улгуржи савдо фаолияти учун тўланадиган жами 1351725 сўм даромад солиқни бюджетга тўламасдан яшириб келади. Бироқ, етказилган ушбу зарар У.Муҳиддинов томонидан тўлиқ тўланади. Шуни эътиборга олиб судланувчига суд ҳайъати озодликдан маҳрум қилмаслик чорасини кўради. Яна бир мисол: судланувчи Меҳмон Оқмуродов миришкор туман, «Чандир» жамоа ширкат хўжалигида ер тузувчи муҳандис вазифасида ишлайди. Муҳими, у ҳам ўзгаларнинг ишончига кириб, уларга ер участкаси олиб бериш, «ер кимошди савдоси орқали сотилади» деб жами 765000 сўм пулни ўз фойдасига ўзлаштириб юборади.

Дастлабки тергов даврида ушбу зарарлар жабрланувчиларга қайтирилади. Судланувчи М.Оқмуродовга ҳам суд жазо чораларини қўллашда либераллаштириш усулидан фойдаланади.

Янги қонуннинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, билмай жиноят содир этган шахсларнинг узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилиши олди олинди. Муҳими, улар жазони ижро этиш муассасаларида турли жиноятларга қўл урган маҳкумлар даврасида бўлиб, бир умрга жиноят қилишга мойил бўлиб қолишининг олди олинган бўлса, иккинчидан, янги қонунда белгиланган шартларга риоя қилиш жиноят ишини тугатиш тергов ва суд идораларининг ҳуқуқи эмас, балки уларнинг процессуал мажбуриятига айланди. Бу эса айни дамда инсон ҳуқуқлари тантанасининг амалий ифодаси бўлмоқда.

Парда ЭШМАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди раисининг ўринбосари

ТАДБИРКОР

Қонун ҳимоясида

Кейинги кезларда адлия идоралари томонидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан ўтказилган текширувлар оқибатида мавжуд қонун бузилиши ҳолатлари бўйича 1078 та тақдимнома киритилди. Шуларга асосан 528 та мансабдор шахс жавобгарликка тортилиб, шундан 75 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Жорий йилнинг ўтган уч чораги давомида 5309 нафар тадбиркордан уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилгани тўғрисида шикоят-аризалар келиб тушди. Ушбу аризаларни ўрганиш жараёнида баъзи масъул мансабдор шахсларга нисбатан интизомий жазолар қўлланилган бўлса-да, ҳанузгача турли ҳокимликларда, банк муассасаларида, солиқ ва бошқа назорат қилувчи идоралар фаолиятида жиддий қонунбузарликларга йўл қўйилаётгани аниқланди. Жумладан, ҳокимликлар томонидан Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 21,34-моддаларига ҳамда Президентнинг 21.01.1994 йилдаги Фармонининг 13-бандига зид равишда тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашиш ва уларнинг пул маблағларини турли жамғармаларга жалб қилиш ҳолатлари содир этилаётганлиги ачинарлидир.

Тадбиркорлар мисқоллаб тўплаган маблағларини уларнинг розилигисиз ҳар хил тадбирларни ўтказиш учун сарфлашларга йўл қўйилган. Ҳатто айрим Давлат солиқ инспекциялари ҳисобда кўрсатилган суммадан кўп миқдорда инкасса топшириқномаси билан маблағ ундириб олаётган бўлса, иккинчи томондан тижорат банклари кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига кредит ажратишида Адлия вазирлигида 902, 903 ва 907-рақам билан рўйхатга олинган меъёрий ҳужжатларда кўрсатиб қўйилган тартибларни бузиб келмоқда. Булар эса юрт равнақига ҳисса қўшмоқчи бўлаётган кишиларнинг ишига, ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Ахир тадбиркор таъзимкор эмаски, қуллуқ қилиб тураверадиган.

Йил бошидан буён адлия идоралари тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя этиб судларга 53,9 миллиард сўмлик ва 827,6 минг АҚШ доллари қийматида 10402 та даъво аризаси киритди. Натижада 803 нафар мансабдор шахслардан тадбиркорлар фойдасига 237 миллион сўм моддий-маънавий зарар ҳамда бой берилган фойда ундириб берилди. Масалан, Фарғона вилояти адлия бошқармаси «Наргиз-Дилором» фирмасида ўтказилган ноқонуний текшириш ҳолати юзасидан Қўқон шаҳар ДСИ ходимларига нисбатан Ўзбекистон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритди.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши 2004 йил учун партия марказий нашрларига обунани уюшқоқлик билан ўтказиш масаласига бағишлаб, махсус йиғилиш ўтказди. Унда иштирок этган ХДП шаҳар, туман партия кенгашлари биринчи котиблари, қатор БПТ етакчиларининг фикр-мулоҳазалари эшитилиб, партия ташкилотларининг вазифалари белгиланди.

Сирғали туман партия кенгаши «Наврўз», Темирйўлчи ҳамда Ал-Фарғоний номли маҳаллаларда «Кучли давлатдан – кучли жамият сари», «Ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларда фуқароларнинг ўрни» мавзуларида «давра суҳбатлари»ни ташкил қилди. Тадбирда Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси И.Беков ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларда фуқаролар фаол иштирокининг аҳамияти, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида сўзлади. Туман партия ташкилоти котиби З.Ҳакимова «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» тушунчасининг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталди.

ХДП Юнусобод туман кенгаши Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамкорлигида «Икки палатали парламент тизимида сиёсий партияларнинг аҳамияти» мавзуида очиқ мулоқот ўтказди. Йиғилганлар эътиборига мазкур институт кафедра мудири А.Аҳмедов, Тошкент Давлат юридик институти доценти Х.Рўзметовларнинг мавзу доирасидаги маърузалари ҳавола қилинди. Туман партия кенгаши биринчи котиби У.Шойимқулов эса иштирокчиларга ХДПнинг фаолияти, икки палатали парламент тизимига ўтишда партия ташкилотлари олдида турган вазифалар хусусида гапирди.

Партия Яккасарой туман кенгаши туманда жойлашган Тижорат техникумида «Икки палатали парламент тизимида сиёсий партияларнинг ўрни» мавзусида тадбир ўтказди. Туман партия ташкилоти биринчи котиби Т.Сайфуллаев йиғилганларнинг мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлган саволларига атрофлича жавоб берди.

Андижон шаҳридаги «Кенгаш» фуқаролар йиғини бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган йиғилиш ҳам ана шу мавзуда бўлди. Партия ташкилоти котиби Х.Умрзоқов сўзга чиқиб, тадбирда иштирок этган ёшларнинг саволларига жавоб берди.

Урганч шаҳридаги 18-мактабда «Гул байрами»га бағишлаб ўтказилган кўрик-танловга шаҳар партия кенгаши ҳам ҳомийлик қилди. Партия ташкилоти томонидан танлов иштирокчиларига эсдалик совғалари топширилди.

Мазкур шаҳар партия кенгаши, «Маънавият ва маърифат« маркази, «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида тузилган тарғибот гуруҳи аъзолари Қўшкўпир туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида ва Боғот туманидаги М.Қувоқов номли ширкат хўжалигида бўлиб, пахта йиғим-теримида қатнашаётган ҳашарчилар билан учрашдилар. Учрашувларда сўзга чиққан шаҳар партия кенгаши биринчи котиби А.Абдуллаев, шаҳар «Маънавият ва маърифат» бўлими раҳбари Г.Жумамуротова йиғилганларга ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида сўзлаб бердилар. Тадбир сўнггида ҳашарчилар учун шоирлар Ошиқ Эркин, Йўлдош Эшмурод ҳамда Ўктам Давлатлар шеърлар ўқидилар, шаҳар маданият уйи санъаткорлари концерт дастурини намойиш этдилар.

ХДП Марҳамат туман кенгаши ҳам «Маънавият ва маърифат» кенгаши туман бўлими билан баргаликда жойларда пахта йиғим-теримида қатнашаётган ҳашарчилар иштирокида маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилмоқда.

Ватан ҳимояси — олий шараф

МАҲОРАТ ВА ЖАСОРАТ МАКТАБИ

Ҳеч кимга сир эмаски, собиқ Иттифоқ даврида армиядан қочишлар кўп бўлар, баъзан аскарларнинг тобути келарди. Бу, айниқса Афғон уруши даврида кўпайди. Собиқ СССРнинг энг чекка ҳудудларида хизмат қилаётган ўзбек ўғлонларидан қанча-қанчасининг қисмати шу билан якун топганди. Шукрки, истиқлол шарофати ила бундай кўнгилсизликларга батамом нуқта қўйилди. Энди фарзандларимиз ўзгалар юртини эмас, киндик қони тўкилган ўз Ватанини қўриқламоқда. Улар «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонунларга мувофиқ Ватан олдидаги муқаддас бурчларини адо этишга ҳақлидирлар.

Қуролли Кучларимиз сафларига кузги чақирув давом этаётган шу кунларда Бухоро вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ҳовлиси алпомиш келбатли йигитлар, уларнинг ота-оналари билан гавжум. Бир томонда уларни охирги тиббий кўрикдан ўтказиш давом этаётган бўлса, иккинчи томонда ҳарбий қисмлардан келган «Каридорлар» бўлажак Ватан посбонлари, ота-оналар билан жонли мулоқот ўтказмоқда.

— Олти нафар фарзандим бор, — дейди Ғиждувон туманидаги Ф.Хўжаев номли ширкат хўжалигида яшовчи Низом Мирзаев. — Шулардан бири — Бахтиёржонни бугун ҳарбий хизматга кузатяпмиз. Ўғлим юрт корига ярашига ишонаман.

— Кўрик-танловда тегишли баллни тўплай олганимдан хурсандман, — дейди Пешку туманидан хизматга чақирилган Аброр Баҳронов. — Касбим ҳайдовчи. Насиб бўлса, келажакда ҳарбий қисмда йигитлик бурчимни ўтаб бўлсам, шартнома асосида яна фаолиятимни давом эттираман.

— Аброрнинг пешкулик тенгдошлари талайгина, — дейди биз билан суҳбатда туман мудофаа ишлари чақирув бўлими бошлиғи Эргаш Ҳакимов. — Уларнинг ҳаммасидан кўнглимиз тўқ. Ватан сарҳадларини кўз қорачиғидек асрайдиганлар бор экан, ота-оналарнинг кўнгли тўқ.

Биз вилоят тиббий кўрик комиссияси катта ҳакими Бекмурод Йўлдошевни суҳбатга тортдик.

— Бекмурод Шоймардонович, айтинг-чи, кузги чақирувда бўлажак аскарларни мукаммал тиббий кўрикдан ўтказиш учун барча шароитлар етарлими?

— Бизда ўн мутахассис врач фаолият кўрсатмоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ёрдами билан замонавий тиббий асбоб-ускуналар эгаси бўлдик. Айрим пайтда таҳлилларни аниқлашга тўғри келади. Бунда бизга лаборатория қўл келади. Бир нарсани айтай, туманлардаги тиббий кўрик комиссияларида чақирилувчилар дастлабки кўрикдан ўтадилар. Биз эса такроран тиббий кўрикдан ўтказиб охирги хулосани берамиз.

Илгари ҳарбий хизматдан чўчиганлар кўп учрарди. Уларнинг ота-оналари турли йўллар билан фарзандларини олиб қолиш пайида бўлардилар. Бугун мутлақо тескариси.

— Бухоролик йигитлар армия хизматини ғурур деб ҳисоблайдилар, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи Асқад Авазов. — Чунки уларда Ватанга бўлган муҳаббат кучли. Шу боис уларнинг аксарияти Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишни хоҳлашади.

Дарвоқе, ҳар жиҳатдан мукаммал авлодгина Ватан ҳимоясига яраяди. Бундайлар эса ўзбекнинг хонадонида вояга етмоқда. Армияда хизмат қилиш ҳар бир йигит учун маҳорат ва жасорат мактабидир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТЕАТР ҚИШЛОҚҚА БОРАДИ

С. Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театрида қорақўллик марҳум драматург Шодмон Нурматовнинг қаламига мансуб «Сиртмоқ» комедияси саҳна юзини кўрди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шамсиддин Йўллиев саҳналаштирган бу асарда бир оила машмашаси, қариндошга қиз беришнинг оғир оқибатлари ҳикоя қилинади.

Шуни таъкидлаш керакки, муаллифнинг мазкур асари унинг «Уруш», «Юрагимни сотаман» каби спектакллари қатори ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис театр жамоаси томошабинларга янада қулай бўлиши учун бу асарни қишлоқларга бориб кўрсатишга қарор қилди.

(Ўз мухбиримиз)

Қадрият — ўзликни англаш

Ҳар бир миллат ўзининг ўтмишини билишга интилади, ёрқин тарихий саналари, ўлмас обидалари, улуғ сиймолари билан ғурурланади. Халқнинг интеллектуал салоҳиятини белгиловчи омиллардан бири ҳам унинг ўз ўтмишини қадрлашидир. Ўзига хос маданий мерос яратган, асрлар давомида тугалмас ижтимоий воқеалар билан жаҳон тарихини бойитган афсонавий ўлка — Хоразм кўплаб тарихий обидалар хазинаси сифатида халқимизнинг ифтихорига айланган.

БЕРУНИЙ ДАВРИ ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИ

Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Султон Увайс тоғларининг жануб ва шарқида чексиз кўчма қум барханлари орасида қад кўтарган катта-кичик қалъаларнинг харобалари, йирик сув иншоотлари ҳамда қадимий экин далаларининг излари воҳада қадимда ҳам ҳаёт гуркираб ривожланганидан дарак беради.

Узоқ ўтмишнинг шоҳиди бўлган бу қалъалар асрлар давомида шу ерлик халқнинг гўзал афсона ва достонларида куйлаб келинган. Қоракум саҳролари ичидаги Беруний яшаган даврга мансуб улкан қалъалардан бирининг номи халқимизнинг севимли достони «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» билан боғлиқ. Маҳаллий аҳоли харобаларни шу ва бошқа кўпгина достонлардаги Ширвон, Ёрбакир, Бадиркант, Қирққиз каби номлар билан атайди. Аммо айрим кўҳна қалъаларнинг аталиши улар турли даврларга хослигини англатиб туради. Масалан, Қўйқирилган, Одамлик, Қумбосган, Қум, Тупроққалъа каби қалъаларнинг номлари бу жойлар мозийда бир қанча фожиали воқеаларнинг гувоҳи бўлганидан дарак беради.

Таниқли шарқшунос олим, профессор С.Толстов бошчилигидаги Хоразм экспедициясининг кўп йиллик самарали меҳнати туфайли мазкур афсонавий ўлканинг тарихи қайтадан кўз очди. Бу кашфиётлар асосида қилинган муҳим хулосалардан бири, Марказий Осиё ҳудудида исломгача феодализм тузуми ҳукмрон бўлган, деган қарашнинг инкор этилишидир. Кўп йиллик тадқиқотлар Марказий Осиёда, айниқса Хоразмда мавжуд кўпгина шаҳар ва қалъалар, канал ва ариқлар, экинзорлар, ибтидоий иш қуроллари озод деҳқонлар кучи билан эмас, балки ҳукмрон тузумга тобе бўлган кишиларнинг меҳнати туфайли пайдо бўлганлигини тасдиқлаб бердилар. Маълумки, илк феодализм даврида, яъни IX-XII асрларда бутун Марказий Осиёда, шу жумладан, қудратли Хоразм давлатида фан ва маданият гуркираб ўсиб, жаҳонга Абу Али ибн Сино, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий каби машҳур сиймоларни, Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркардаларни етказиб берди.

Баъзи бир тарихий ва археологик маълумотларга қараганда, X аср охирларида Хоразм иқтисодий жиҳатдан жуда тез ривожлана бошлайди. Шаҳарларнинг кўпайиши бунга далил бўла олади. Араб тарихчиси Таборий 712 йилда Хоразмда учта шаҳар бўлганлигини келтирса, яна бир муаллиф Истоҳрий X аср бошларида Хоразмда шаҳарларнинг сони ўн учтага етганлиги ҳақида маълумот беради. Мақдисийнинг ёзишича, 985 йилга келиб Хоразмда шаҳарлар сони ўттиз иккитага етган.

Маълумки, иқтисодий юксалишнинг муҳим омили — бу савдо-сотиқнинг ривожланишидир. Араб манбаларига қараганда, Буюк ипак йўлида жойлашган Хоразм X-XI асрларда йирик савдо марказига айланади.

Археологларнинг текширишича, Хазор подшолигининг маркази — Итилга борадиган савдо йўли Беловули харобаси орқали ирмоқнинг қуйи оқими, Урал ва Волгага қараб ўтган. Беловули хоразмликларни Волгага олиб борадиган «катта шоҳона йўл»даги зўр иншоот бўлибгина қолмай, илк ўрта асрлардаги Хоразм меъморчилиги ва монументал декоратив санъатининг ажойиб намунасидир. XI асрнинг бошларида шу йўлдан юрган араб сайёҳи Ибн Фадлан кесилган тошлардан қилинган ва четига тош терилиб ишланган қудуқлари бўлган ҳашаматли карвонсаройлар борлигини ҳамда улар орасидаги масофа тахминан 25 чақиримга тенг бўлганлигини кўрсатади. Қазиб текширилганда ўша даврга оид бўлган Беловули ва Талайхонота карвонсаройлари Ибн Фадлан тасвир қилган жойларга ўхшаб кетади.

Араб манбаларида Хоразм мўғул истилоси арафасида йирик савдо маркази бўлганлиги, иқтисоди ривожланган ва ҳарбий қудрати юксалганлиги айтилади. Қўшни мамлакатлар, хусусан Шарқий Европа билан алоқа кучайиши натижасида бу ерда кўп шаҳарлар пайдо бўлади.

Беруний яшаган даврда Хоразмда иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ўсиши ёзма манбалардагина эмас, шунингдек маданий ёдгорликларда ҳам ёрқин кўринади. Текширишлар XI-XII асрларда бу ерда темирчилик, кулолчилик, шиша ва қурилиш ишлари жуда ҳам тараққий қилганлигини кўрсатади. Бу даврда янги қурилиш материали — пишган ғишт ишлатила бошланган ҳамда биринчи марта деразаларга ойна қўйилган. Уйларнинг ички қисмини безашда деворга чизилган расмлардан ташқари ўйма нақш берилган ёғочлардан ҳам фойдаланилади. Бу эса Хоразмда тасвирий санъатнинг янги босқичга кўтарилганлигидан далолат беради.

Бундай обидалар ичида тўла текширилгани қадимги Чарманёп каналининг этагидаги Шоҳсанам қалъасидир. Манбаларда кўрсатилганидек, илк ўрта асрдаги Субурни шаҳри харобалари билан боғлиқлигини олимлар исботлаган. Шаҳарнинг номи ҳам (сув бурни) уни сув этагида жойлашганлигини кўрсатади.

Қайд этилишича, Шоҳсанам қалъаси антик даврда, яъни эрамиздан аввалги 1 минг йилликнинг охирларида пайдо бўлган. У Кушон империяси даврида ҳам мавжуд бўлган бўлса-да, аммо африғийлар даврига келиб харобага айланади. Буюк Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги пайтида унда ҳаёт қайтадан тикланган эди. Аммо мўғуллар истилоси уни яна харобага айлантиради. Ўша давр обидаларининг стратегик жиҳатдан муҳими — Амударё чап қирғоғидаги баланд Қизқалъадир. Тепаликдаги бу қўрғон мудофаа жиҳатдан қулай бўлганлиги учун жуда мустаҳкамланган. Баландликни ўраб олган девор бўйлаб қалъадагилар учун турар-жойлар қурилган. Бинонинг марказида ҳовуз бўлиб, бундай ҳовузларни қалъанинг ғарбий қисмида ҳам учратиш мумкин. Улар Марказий Осиё даштларидаги сардобаларни эслатади.

XI-XII асрларда Хоразмдаги кўп шаҳарлар Марказий Осиёда типик бўлган ўрта аср шаҳарлари қиёфасига киради. Ўша даврдаги хоразмшоҳлар пойтахти, Беруний шаҳри — Кат ҳам мамлакатнинг энг йирик савдо ва иқтисодий маркази бўлиб танилган.

Амударёнинг оқими натижасида рўй берадиган доимий тошқинлар шаҳарнинг ривожланиши, гуллаб-яшнаши учун тўсқинлик қилиб келган. Дарё тўлқинлари қадимги Кат қалъаси ва шаҳарнинг унга ёндош қисмларини ювиб кетиши натижасида шаҳар илгариги қиёфасини йўқота бошлайди. X асрнинг охирларига келиб дарё қалъани емириб тамомлаган эди. Берунийнинг кўрсатишича, Амударё шаҳар қалъасини тагидан ювиб, унинг бўлакларини йил сайин олиб кетаверган ва оқибатда 994 йилга келиб қалъадан асар ҳам қолмаган.

Аммо шундай бўлса-да, Катда ҳаёт узилмаган, унинг аҳолиси эски шаҳарни ташлаб, шарқий томонда янги уйжойлар қура бошлайди. Мақдисийнинг таърифича, ўз санъатлари билан донг чиқарган хоразмлик меъморлар вайроналарни қисқа муддатда тиклаганлар. Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти билан боғлиқ бўлган яна бир йирик тарихий обида Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятидаги Кўҳна Урганч харобаларидир.

X аср охирларигача Хоразм икки ҳокимликдан иборат эди. 995 йилда Гурганч (Кўҳна Урганч) ҳокими Кат шаҳрини эгаллаши билан икки ҳокимликка барҳам берилади. Маъмун II даврида Гурганч Шарқ мамлакатларидаги йирик марказлардан бирига айланади. Унда савдо, ҳунармандчилик, маданият ва фан ривожланади. XI-XII асрларга келиб, Гурганч буюк Хоразм давлатининг гўзал ва ажойиб пойтахти бўлиб танилади.

Дунёнинг жуда кўп ерларини айланган араб сайёҳи ва географи Ёқут бу ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Мен умримда бу шаҳарга ўхшаш бой ва чиройли шаҳарни кўрмаганман... Битмас-туганмас бойликлари ва пойтахтининг кенглиги ҳамда аҳолисининг жуда кўплиги ва яхшилиги билан Хоразмнинг бош шаҳрига ўхшаган шаҳар бўлмаса керак деб ўйлайман». Истоҳрийнинг таърифича: «Гурганч Хоразмнинг энг катта шаҳри... У ўғизлар билан савдо қиладиган жой бўлиб, бу ердан Журжония, Хазор, Хуросонга карвонлар жўнайди». Истоҳрийдан олдинроқ Хоразмга келган Ибн Батута: «У (Урганч) аҳолисининг сони кўплигидан денгиз сингари тўлқинланиб туради», деб ёзган эди.

Урганч харобалари ва бу харобалар орасида пишган ғиштдан қурилиб, кошин билан моҳирона зийнатланган ҳашаматли, ҳозиргача сақланиб келган ажойиб ёдгорликлар кўп вақтлргача сайёҳ ва тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Бу ажойиб обида харобалари тахминан 400 гектар майдонни эгаллайди. Шаҳар ҳозирги Кўҳна Урганч ҳудуди маркази билан Амударёнинг қадимги ўзани — Дарёлик ўртасида гуллаб-яшнаётган деҳқон далалари қуршовида жойлашган.

Хоразм экспедицияси ер устида яхши сақланиб қолган машҳур обидалардан Тўрабекхоним мақбараси ва унга яқин турган Урганч минораси (XI аср), ҳашаматли Текеш ва Фахриддин Рези мақбаралари (XII-XIII асрлар)нинг жанубида жойлашган Тошқалъа харобаларини қазиб текширди. Бу истеҳкомнинг шарқий қисмида деворлари майда хом ғиштдан ишланган Оққалъа харобалари сақланиб қолган. Тошқалъадан тахминан 1,5 километр ғарбда катта пахса девор билан ўралган Хоразмбоғ номли обида киши диққатини ўзига жалб қилади.

Мўғул истилоси натижасида Хоразмнинг мазкур обидаларидан ташқари Гулдурсун, Шўрахон, Норинжон, Маздоҳқон, Дарғон ва шу каби шаҳар ва қалъалари абадий харобаликка айланди. Қолган шаҳар ва қишлоқлар ҳам вайрон қилинган бўлса-да, вақт ўтиши билан ундаги ҳаёт яна тикланади.

Хоразмнинг гуллаб-яшнаши юқори нуқтага чиққанда, қудратли хоразмшоҳлар давлати атрофида энг кучли турк қабилалари қанғли, қипчоқ, туркман ва қорақалпоқ аҳолиси бирлашиб, жипслашаётган бир пайтда шафқатсиз Чингизхон қўшинлари ваҳшийларча бостириб кирди. Оқибатда буюк Хоразм империяси мўғул истилоси туфайли емирилади, шаҳар ва қишлоқларнинг деярли ҳаммаси талон-торож қилиниб, аҳолиси қирилади, қисман ҳайдаб олиб кетилади, минглаб гектар унумдор ерлар эса чўлга айланади, доимий равишда тозалаб ва қараб туришни талаб қиладиган суғориш тармоқлари ишдан чиқади. Хоразм худди шундай қисматни кейинроқ Дашти қипчоқдан келган кўчманчи қабилаларнинг тожу тахт талашувлари даврида қайта бошдан кечиради. Бунга ўша даврга оид сон-саноқсиз шаҳар ва қишлоқлар, айниқса Кўҳна Урганчнинг ҳозиргача сақланиб қолган харобалари гувоҳ бўла олади.

Шарқ ренессанси номи билан жаҳон тарихини бойитган, дунёга маълум ва машҳур бобомиз Беруний яшаган давр обидаларини ўрганиш ўзбек тарихчиларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ўйлайман.

Исо ЖАББОРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

САВДО ЖАРИМАСИ ҚЎЛЛАШГА ТАЙЁР

Еврокомиссия келгуси йил 1 мартдан АҚШ маҳсулотлари экспортига қарши савдо жаримаси қўллаш масаласини маъқуллади. Бу экспортга чиқарувчи 4 миллиард долларлик Америка маҳсулотларига бож тўлови жорий этилишида намоён бўлади.

Еврокомиссия матбуот хизматидан хабар беришларича, агар АҚШ жаҳон савдо ташкилоти доирасида қабул қилинган савдо қоидаларини яна бузса, яъни экспортга маҳсулот чиқарувчи Америка корхоналарини яширин йўл билан қўллаб-қувватлашда давом этса мазкур бож тўлови жорий этилади. У ҳолда АҚШ Европа Иттифоқига экспорт қилаётган ҳар бир маҳсулоти учун 5 фоиз миқдорида бож тўлашига тўғри келади. Бу тўлов эса ойига 1 фоиздан ортиб боради. Бу ҳақда «Новости» агентлиги ҳабар тарқатди.

ТОВОН ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Шимолий Корея маъмурияти мамлакатдаги атом электростанцияси қурилишини тўхтатиш учун АҚШдан товон пули талаб қилмоқда. Бу ҳақда Шимолий Корея ташқи ишлар вазири баёнот берди, дейилади Reuters ахборотида.

Маълумки, расмий Вашингтон Шимолий Кореянинг ядро дастури атрофидаги тортишувларни ижобий ҳал этиш учун Пхеньянга қурилишни тўхтатиш шартини қўйган эди.

МУЗОКАРАЛАРНИНГ КЕЙИНГИ БОСҚИЧИ 5 ДЕКАБРГА БЕЛГИЛАНДИ

Маълумки, бундан сал кам йигирма кун олдин Россия Азов денгизидаги Керч бўғозида кўтарма (дамба) қуришни бошлагач, Украина норозилик билдирган эди. Натижада қурилиш тўхтатилган ва чегара масалалари бўйича Россия — Украина ўртасида музокаралар бошланганди. Худди шундай музокараларнинг биринчи босқичи бир ҳафталар олдин Киевда бўлиб ўтган эди. Ўшанда Азов денгизининг мақоми кун тартибига қўйилганди. Шунингдек, Тузка оролининг Украинага қарашли эканлигини Украина делегацияси алоҳида таъкидлаганди.

Чоршанба куни Киевда Азов денгизи ва Керч бўғозидаги Россия — Украина чегараларини делимитация қилиш масаласи бўйича Россия ва Украина ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари доирасида яна музокаралар бўлиб ўтди. Унда деярли бирор-бир самарага эришилмаган бўлсада, аммо музокараларнинг иккинчи босқичини қачон ўтказиш борасида бир тўхтамга келиб олдилар, яъни музокаралар шу йилнинг 5 декабрида ўтказилади, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги.



Чикаго. Мичиган кўли соҳили

ТЕРРОРНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

XORIJDA

Қирғизистоннинг халқаро «Манас» аэропортида жойлашган антитеррор кучлар коалицияси авиабазасида террорчилик акти содир этишни мўлжаллаган уч нафар жангари қўлга олинди.

Қирғизистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари берган манбаларга асосланиб, интернетнинг «Газета. Ru» сайтидаги ахборотда маълум қилинишича, қўлга олинганларда портловчи моддалар бўлган. Улар Бишкекда ижарага олган уйдан эса гранаталар, Калашников автоматининг патронлари, пичоқлар, портловчи моддалар кукуни топилган.

Қўлга олинганлар «Хизб ут Таҳрир» («Озодлик партияси») диний экстремистик ташкилотнинг аъзолари бўлиб, улар Покистон ва Афғонистон ҳудудидаги қўпорувчилик тайёрланадиган лагерларда махсус ўқув курсини битиришган экан. Улар Бишкек яқинидаги авиабазада террор уюштириш бўйича аниқ топшириқлар олган.

Эслатиб ўтамиз: «Манас» халқаро аэропорти Марказий Осиёдаги энг йирик аэропортлардан бўлиб, 1974 йилда қурилган. Шу кунларда халқаро ва ички ташувларни амалга оширади. Учишқўниш чизиғи Марказий Осиё ҳудудида энг узун бўлгани учун ҳар қандай самолётларни қабул қилиш қудратига эга.

Аэропорт авиабазасида олтита мамлакатдан келган антитеррор кучлар коалициясининг 1500 га яқин (уларнинг кўпчилиги Америка аскарлари) ҳарбийси бор. Улар Афғонистон ҳудудидаги контртеррор операцияларида иштирок этмоқда.

ҲИСОБОТ БЕРИШНИ УНУТИШИБДИ

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг терроризмга қарши кураш қўмитаси 58 та мамлакатни шартларни бажармаганликда айблади. Уларнинг айби шуки, мамлакатда терроризмга қарши қандай тадбирлар қўлланаётганлиги борасидаги ҳисоботни белгиланган муддатда (31 октябргача) БМТ Хавфсизлик Кенгашига топширмаган.

Ҳисобот топширмаганлар рўйхатидан асосан Африка, Осиё ва Тинч океани ҳудудидаги мамлакатлар жой олган. Шунингдек, улар қаторига Швеция, Латвия, Украина ва Иордания давлатлари ҳам киритилган.

Маълумки, 2001 йил 11 сентябрь кунги АҚШдаги террор воқеасидан сўнг бир неча ҳафта ўтиб, БМТ томонидан терроризмга қарши кураш бўйича резолюция қабул қилинган. Унга кўра, БМТга аъзо мамлакатлар зиммасига террорчиларни яшириш, қўллаб-қувватлаш ва уларнинг молиявий таъминланишига қарши чоралар қўллаш мажбурияти юкланган. БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши эса худди шу мажбурият қандай бажарилаётганини ҳар йили текширади, дейилади Associated Press агентлиги ахборотида.

БИРИНЧИ ДЕЛЕГАЦИЯ ТАШРИФ БУЮРАДИ

Араб давлатлари лигаси (АДЛ)нинг нуфузли делегацияси яқин кунларда Ироққа ташриф буюради, дейилади ИТАР-ТАСС хабарида. Бу Ироқда ҳарбий ҳаракатлар якунлангандан кейинги биринчи ташрифдир. Бу ҳақда АДЛнинг араб давлатлариаро муносабатлар бошқармаси бошлиғи, лигада «Ироқ масаласи» бўйича масъул Али ал-Жарруш маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, «Ироқдаги вазиятни ўрганиш бўйича махсус комиссия» лига бош котиби Амир Мусо топшириғига кўра тузилган.

Делегациянинг ташрифдан мақсади Ироқдаги Муваққат бошқарув кенгаши аъзолари, шунингдек, сиёсий партиялар ва қабилалар етакчилари ҳамда диний арбоблар билан учрашиш.

Ташриф якунлангач, Амир Мусо Ироқдаги аҳвол тўғрисида маъруза тайёрлайди ва уни келгуси йил мартда Тунисда ўтказилиши мўлжалланаётган Араб давлатлари лигаси саммити олдидан ўқиб эшиттиради.

АДЛ Ироқдаги Муваққат бошқарув кенгашини Ироқнинг вақтинча раҳбарияти сифатида тан олган.

ТАЪЗИМКОР ЭМАС

Суднинг шу йил 17 июндаги қарорига кўра қўлланилган жарима бекор қилинади. Натижада ДСИнинг айбдор мансабдор шахсларидан 1.867459 сўмлик бой берилган фойда ҳамда етказилган 989419 сўм моддий ва 3200000 сўм маънавий зарарлар фирма раҳбари Д.Алимова фойдасига ундириб берилди.

Албатта, бугунги қонунларимиз тўғри таҳлил ва талқин этилиши учун катта билим керак бўлади. Йўқса, ноқонуний қабул қилинган битта қарор кўплаб одамнинг дилини ғашлаб, «чопачоп», «ёза-ёз»ни бошлаб қўйиши аниқ. Мана, Бухоро вилоятининг Ромитан туманида шундай бўлди.

Туман ҳокимининг ноқонуний қарори туфайли 25 та фермер хўжалиги азият чекади. Яхшиямки, вилоят адлия бошқармаси енг шимариб ишга киришгандан сўнг фуқаролик ишлари бўйича Ф.Хўжаев туманлараро суди қарор қабул қилди: «Ромитан туман ҳокимидан ҳар бир фермер хўжалигига 25000 сўмдан ва 4 та фермер хўжалиги раҳбарига етказилган 61175 сўм моддий зарар ундирилсин».

Вазирлик, унинг бошқармалари қошида ташкил этилган «ишонч телефон»лари ҳам кетмакет жиринглаб турибди. Ҳозиргача бундай мурожаатлар сони 1443 тани ташкил этди — бу эса ўтган йилнинг айни шу вақтига нисбатан икки ҳисса кўп демакдир.

Яқинда Тошкент вилояти адлия бошқармасининг «ишонч телефони»га хусусий тадбиркор И.Маъзимов қўнғироқ қилиб қолди. Унинг айтишича, «Заминбанк»дан ажратилган 10 миллион сўм кредитдан фойдаланишда банк ходимлари тўсқинлик қилаётган эканлар. Адлия бошқармаси ушбу ҳолатни ўрганиб чиқиб, чиндан ҳам тадбиркор фаолиятига қарши ҳаракат бўлаётганини аниқлади ва бошқарма томонидан киритилган тақдимномага асосан айбдор деб топилган банк ходими Ж.Маҳмудовга ҳайфсан эълон қилинди.

Гап Адлия вазирлиги ва унинг бошқармалари томонидан тадбиркорларнинг (хорижий инвесторларнинг ҳам) ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 2115 тақдимнома-ю 594 огоҳнома киритилгани ва бунинг оқибатида 2736 нафар раҳбар эгаллаб турган лавозимидан озод этилгани хусусида эмас. Аксинча, вақт ўтган сайин фуқароларимизда ҳуқуқий маданиятнинг ривожланаётгани, мулкка эгалик қилиш, ўз мулкини қонун доирасида ҳимоя этишга интилиши кучайиб бораётгани кишини қувонтиради. Ахир ўзингиз ўйланг: бундан бир неча йил аввал оддий ишчининг хўжалик раиси ёки ҳоким жанобларининг устидан судда даъво қўзғаши мумкинлиги ёш болага айтилган чўпчак эди. Энди бўлса бундай ҳолатлар ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди.

Абдували АБДУЛЛАЕВ,
Адлия вазирлиги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бош маслаҳатчиси,
Давлатжон ПОЛВОНОВ,
журналист

ТУРИСТИК САЛОҲИЯТ КЕЧАСИ

Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида Ўзбекистон туристик салоҳиятига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Германиянинг «Лернидее райзен» сайёҳлик фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон ҳайъати ҳам иштирок этди.

Мамлакатимиз вакиллари йиғилганларга юртимизда туризм соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар, мавжуд имкониятлар ҳамда ҳукуматимизнинг соҳа ривожига қаратилган сиёсатининг моҳияти хусусида батафсил маълумот бердилар.

Тадбир доирасида ўтказилган шарқ эртаклари китобининг тақдимоти кечага ўзгача шукуҳ бахш этди.

Китоб муаллифи, таниқли немис ёзувчиси М.Шильднинг буюк саховатпеша, топқир, билимдон Хўжа Насриддин хусусида аниқ ва равон тилда баён этилган ҳикоялари йиғилганларга ўзбек халқининг бой адабий меросидан баҳраманд бўлиш имконини яратди.

— Мен Ўзбекистонда бир неча бор бўлганман, — деди М.Шильд. — Хўжа Насриддин хусусидаги ҳикоя ва эртакларнинг мазкур китобдан марказий жой олиши ўзбек халқининг авлоддан авлодга ўтиб келаётган ноёб оғизаки ижодиётини самимий ҳурмат қилишим, уни олдида бош эгишимнинг тимсолидир. Умид қиламанки, ушбу тўплам ватандошларимга халқингизнинг ўлмас маданий мероси билан танишиш, ўзбек маданияти асосига киритилган ғоя ва фикрларни тушуниб етиш имконини бериб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

«Жаҳон»АА

Ранг-баранг олам

Энг оғир китоб

Дунёда энг оғир китоб Лондондаги Британия музейида сақланаётган «География атласи»дир. Атласнинг банландлиги бир метр, оғирлиги эса уч юз йигирма килограмм келади.

«Чўпон» қуш

Туяқуш ҳозир яшаётган қушларнинг энг каттаси эканини кўпчилик яхши билади. Африкада эса бундай қушлар қўлга ўргатилиб, улардан «Чўпон» сифатида фойдаланилмоқда. Туяқушлар ўзларининг янги вазифаларини кўнгилдагидек бажаришмоқда. Натижада қўй ўғрилари туяқушлар қўриқчилик қилаётган жойларга қадам ранжида қилмай қўйишди.

Қурбақа заҳридан қўрқ

Биламизки, одамни илон чақса ҳаётдан кўз юмиши мумкин. Бироқ айрим қурбақалар ҳам шундай хусусиятга эга экан. Гап шундаки, Колумбиянинг Чоко тропик дарёлари қирғоқларида учрайдиган қурбақа терисидан ажраладиган заҳар олдида илонники ҳеч гап эмас. Чунки бундай қурбақа заҳри дунёдаги кучли заққумдан ўттиз марта кучлидир. Хиндулар ўз найзаларининг учини қурбақа заҳрига белаб ов қиладилар. Бундай қурол эса ҳар қандай ўлжани қўлга киритишда айни муддаодир.

?! ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради.

САВОЛ: Амалдаги қонунчиликка биноан меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилганлик ёки ходимни бошқа ишга ўтказганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги қандай бўлади?

Х. Ёқубосаров. Хоразм вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 112-моддасига биноан, ишга тикланганда иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади.

Зарарни қоплаш:

— мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш шартлигидан (275-модда);

— меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ёки ходим бошқа ишга ўтказилганлиги устидан шикоят қилиш билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар (мутахассислардан маслаҳат олиш, иш юритиш учун кетган харажатлар ва бошқалар) учун компенсация тўлашдан иборатдир.

Маънавий зарар учун тўланадиган компенсациянинг миқдори иш берувчининг хатти-ҳаракатига берилган баҳони ҳисобга олиб, суд томонидан белгиланади, лекин бу миқдор ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас, ходимнинг илтимосига кўра суд ишга тиклаш ўрнига унинг фойдасига (ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилганлардан ташқари) камида уч ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ ундириб бериши мумкин.

Меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор деб топилган мансабдор шахслар ходимга иш ҳақи тўланиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар учун ушбу кодекснинг 274-моддасида назарда тутилган тартибда моддий жавобгар бўладилар.

САВОЛ: Амалда меҳнат қилиб турган ходимни қандай сабабларга кўра ишдан четлатишга йўл қўйилади.

Т.Маматқулов. Қашқадарё вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 113-моддасига асосан, ходимни ишдан четлаштиришга, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари йўл қўйилмайди.

Алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида ишга келган ходим шу куни (сменада) ишга қўйилмайди.

Ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссия тавсияларини бажармаган тақдирда, иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақлидир.

Ходим иш берувчининг айби билан ғайриқонуний равишда ишдан четлаштирилганда ходимга етказилган зарарни ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда тўлаш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юклатилади.

Кимошди савдолари агентлиги ва Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали

Шуни маълум қиладики, биржа савдоларига қўйилган «TOSHSHAHARNUR» давлат унитар корхонасига қарашли, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Мирзо Ҳайдар кўчаси, 3-уйда жойлашган.

«ELEKTRMONTAJ SOZLASH BOSHQARMASI» мол-мулклари (биносиз), **бошланғич нархи — 16 380 700 сўм ёки 23 556 АҚШ доллари бўлган** объект савдодан олинди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Фан оламида

ҚУЁШ — ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

Фан-техника жадал суръатларда ривожланиб боргани сайин инсониятнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш учун энергия заҳираларига эҳтиёж ҳам тобора ортиб боради. Ҳозирги кунда ер шарининг 5 миллиарддан ошган аҳолиси энергетик эҳтиёжини қондириш учун 10 миллиард тонна шартли ёқилғи ишлатилаяпти. Бунинг натижасида атроф муҳитга 25 миллиард тонна углерод қўш оксиди гази чиқарилиб, табиатга жиддий путур етмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, тараққиёт шундай жадалликда давом этса, асримиз ўрталарига бориб аҳолиси 10 миллиардга етадиган сайёрамизда энергетикага бўлган эҳтиёж 25 миллиард тонна шартли ёқилғини ташкил этади. Атмосферага чиқариладиган зарарли газ эса 62,5 миллиард тоннагача ортади.

— Бу сайёрамиз иқлимининг кескин ўзгаришига сабаб бўлади, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси «Физика — Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси лаборатория мудири, профессор Раббон Авезов. — Кейинги 2-3 йил давомида сайёрамизда ҳароратнинг бироз кўтарилиши натижасида юз бераётган табиий офатлар мутахассисларни бу муаммони бартараф этиш устида жиддий бош қотиришга ундамоқда. Бунинг бирдан-бир йўли жуда катта ҳажмда ишлатилаётган анъанавий ёқилғи-энергетика заҳиралари сарфини кескин камайтириш ҳисобига атроф муҳит мусаффолигини таъминлашга эришишдир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Физика — Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси селектив қопламлар ва қуёш иссиқлик қурилмалари лабораториясида ана шу муаммони бартараф этишга хизмат қилувчи ноанъанавий, қайта тикланувчан ва экологик тоза қуёш энергиясидан иссиқлик манбаи сифатида фойдаланувчи қурилмалар мажмуаси яратилди.

Шуниси эътиборлики, республикамиз иқлими шароитида ҳар йили бир квадрат метр ер сатҳига 1 миллион 700 минг киловатт — соат миқдорида қуёш энергияси тушади. Бу 200 киллограмм ёқилғи ёндирилганда ажралиб чиқадиган иссиқлик энергиясига тенгдир. Демак, экологик тоза бўлган қуёш энергиясидан халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фойдаланиш йўлларини топиш, уни кенг миқёсда амалиётга татбиқ этиш имкониятларини берадиган технологияларни ишлаб чиқиш зарурияти туғилмоқда.

Мамлакатимиз энергетикларининг бу борада қўлга киритган ютуқлари қуёш энергиясидан иссиқлик таъминоти тизимларида фойдаланиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда ишлаб чиқарилаётган 65 миллион тонна шартли ёқилғининг учдан бир қисми аҳолининг иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжини қоплаш учун сарфланади. Агар унинг 25 фоизи қуёш энергияси ҳисобига қопланса, талаб қилинадиган анъанавий ёқилғи миқдори сезиларли камаяди. Натижада атроф муҳитга салбий таъсири бўлган зарарли газ 13,5 миллион тоннага қисқаради.

Қуёш энергиясини иссиқлик энергиясига айлантирувчи қурилма қуёш коллектори деб аталади. Истеъмолчиларнинг иссиқлик энергияси ёки сувга бўлган эҳтиёжини исталган вақтда қондириш учун яна қўшимча равишда иссиқлик энергиясини жамловчи қурилма-иссиқлик энергияси аккумуляторлари талаб этилади. Ҳозирги пайтда олимларимиз шундай қурилмаларнинг кенг кўламда фойдаланишига мўлжалланган нусхаларини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш борасида изланмоқда.

Олимнинг гапларига қараганда, йилнинг иссиқ пайтлари, яъни апрель-октябрь ойларида аҳолининг иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжининг 60 фоизи қуёш энергияси ҳисобига қопланиши мумкин. Шунингдек, бу борадаги истиқболли вазифалардан яна бири қуёшдан электр энергияси олишдир.

Табиийки, марказий электр тармоқларидан узоқда жойлашган кам қувватли энергия талаб қилувчи истеъмолчиларни анъанавий усулда ток билан таъминлаш иқтисодий жиҳатдан мураккаб жараён. Янги қурилма бундай муаммони бартараф этишда ниҳоятда қўл келади. Ҳозирда республикамизнинг тоғолди ва чўл худудларида чорвадорлар учун шундай қурилмалардан бир нечтаси ишлаб турибди.

Шу кунларда олимларимиз қуёш ва шамол энергияси уйғун ишловчи манбаларни яратиб, улардан радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни ретрансляция қилиш борасида фойдаланиш йўларини изламоқдалар.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

Ҳикматли сўзлар маъноси

КЕЛИНЧАКНИНГ ЭГАСИ БОР, ҚУДАГА ҚАТНАШ НА ДАРКОР?

Баъзи ота-оналар «қудага яхши кўринай» деб, қудалари билан борди-келдига зўр берадилар, уларни тез-тез зиёфат қилиб чақирадилар, тўн кийгазадилар, саруполар билан сийлайдилар, уларникига борганда эса турли совға-саломлар, кўпроқ ва лаззатлироқ пиширилиқ нарсалар қилиб боришга ҳаракат қиладилар. Мазкур мақол билан шундай кишиларга қарата: «Бундай қилишнинг нима кераги бор?! Ундан кўра, қизингнинг куёвинг билан иттифоқ бўлиб, тинч-тотув турмуш кечиришини кўзла, шунинг ғамини е, чора-тадбирини кўр», дейилмоқчи.

КЕМАГА ТУШГАННИНГ ЖОНИ БИР

Бирор фалокат-ҳалокатнинг, хавф-хатарнинг олдини олишда, бартараф этишда ҳамма баравар ҳаракат қилиши, жон куйдириши, бироз ишлаб бироз четга чиқиб турмаслиги лозимлигини уқтирганда ва шунга ўхшаш ҳолларда мазкур мақолни ишлатадилар.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS: O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Ilhom KAROMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-ragam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 0060

7621 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.30

1 2 3 4 5

SOTUVDA ERKIN NARXDA

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

Академиянинг 60 йиллиги муносабати билан Академиянинг Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 июлдаги 333-сонли, 1993 йил 8 апрелдаги 176-сонли, 1993 йил 14 октябрдаги 497-сонли қарорларига асосан таъсис этилган Фанлар академиясининг қуйидаги медаллари учун танлов эълон қилади:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг олий мукофоти — Ал-Хоразмий номидаги медаль.

Илм-фан соҳасида эришган юксак муваффақиятлари, умуминсоний тараққиётга қўшган катта шахсий ҳиссаси, жамият тараққиётини, таълим ва тарбия тизимини ривожлантиришга омил бўлган илмий ва амалий аҳамиятга молик кашфиётлари ва асарлари учун Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг олимларига берилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги медаль.

Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида йирик ютуқларга эришган, фундаментал фанларни ривожлантиришга, ижтимоий, маънавий ва маърифий тараққиётни жадаллаштиришга, республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилган илмий асарлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий давлатларнинг олимларига берилади.

Ҳ.М.Абдуллаев номидаги медаль.

Фан ва техника соҳасида эришган улкан ютуқлари, республика ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган кашфиётлари ва ихтиролари учун Ўзбекистон олимларига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг медалларига 2003 йил учун ТАНЛОВИ ҲАҚИДА

Умумий қоидалар

Медаллар олиш учун танловда қатнашувчи номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи қуйидаги ташкилот ва тузилмаларга берилади:

— илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларига;

— илмий ва инженер-техник жамиятларга;

— давлат қўмиталари, вазирликлар, ташкилотлар ва саноат корхоналарининг илмий-техник кенгашларига.

Медалларни олиш учун танловда ҳар бир шахс якка тартибда иштирок этиши зарур.

Медаль олиш учун номзодларни кўрсатган ташкилотлар «... номидаги медаль олиш учун» деган ёзув билан номзодлар ҳақидаги қуйидаги маълумотларни 2 нусхада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъатига (700047, Тошкент шаҳри, Яҳё Гуломов кўчаси, 70-уй) тақдим этишлари лозим:

— ишнинг илмий тавсифини, унинг илм-фан ва ишлаб чиқариш тараққиёти, фан ва халқ таълими учун аҳамиятини белгиловчи, бунда олимнинг шахсий ҳиссасини асословчи тақдимнома;

— эълон қилинган илмий ишлари (ишлар мажмуаси), кашфиётлар ёки ихтиролар ҳақида маълумотлар; ёпиқ ишлар бўлган ҳолда уларнинг қўлёзмалари;

— муаллиф ҳақидаги маълумотнома (асосий илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати, иш жойи ва лавозими, уй адреси).

Ҳужжатларни тақдим қилиш муддати — 2003 йил 5 декабргача.

Танловда қатнашиш учун берилган материаллар қайтарилмайди.

Медалларни олиш тартиби, керакли ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари ҳақида қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: 700047, Тошкент ш., Яҳё Гуломов кўчаси, 70-уй, тел.: (371) 133-74-82 ёки Фанлар Академиясининг сайтидан: www.uzsci.net.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати

Болалар спорти

«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН»

Болаларда жисмоний тарбияга меҳр уйғотиш, уларни спортнинг сеҳрли оламига олиб кириш ҳар бир ота-онанинг вазифаси бўлмоғи лозим. Бу ҳақда шу йил 7 февраль ва 4 июнь кунлари Оқсаройда ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишида ҳам такрор ва такрор айтиб ўтилди. Юртбошимиз жамғарма фаолиятига тўхталар экан, «Спорт билан шуғулланадиган ҳар қандай инсон ўзини яхши кўради, ўзини ҳурмат қилади. Бошқача айтганда, ўзини яхши кўрадиган одам спорт билан шуғулланади, фарзандларини ҳам спортга жалб этади», дегандилар.



Бугун болалар спортини ривожлантириш учун аввало оилада, ота-оналарда жисмоний тарбия ва спортга иштиёқ, ҳайрихоҳлик бўлиши керак. Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида ўтказилган «Отам, онам ва мен» оилавий спорт мусобақаси ҳам фикримиз далилидир. Мусобақада коллеж ўқувчилари ота-оналари билан биргаликда ўзаро баҳслашганликлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Унда Токмуллинлар, Дадаевлар, Семёновлар ҳамда Висилайкинлар оиласи аркон билан югуриш, баскетбол халқасига тўп тушириш, копток билан югуриш, «хўрозлар жанги» ва бошқа бир қатор шартлар бўйича ўзаро баҳслашдилар.

— Турмуш ўртоғим физика, ўзим тарих фанидан шу коллежда ёшларга дарс берамиз, — дейди мусобақа қатнашчиси Мирсолиҳ Дадаев. — Қизимиз Нодира коллежнинг бухгалтерия бўлими 2-босқичида таҳсил олмоқда. Ўқув муассасамиз маъмурияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими оиламизни мусобақага таклиф этишганда, аввалига бироз тортиндик. Аммо баҳсларга тайёрланиш чоғида тортинчоқлик ўрнини қизиқиш эгаллади. Чунки дастур шартлари кишининг жисмоний бақувватлигини, энг муҳими, саломатлигини синовдан ўтказишга мўлжалланган экан. Мусобақа пайтида эса оиламиз аъзоларининг бадантарбия билан мунтазам шуғулланишлари, қизимнинг волейбол тўгарагига қатнашиши, ўзимнинг футболга ашаддий ишқибозлигим жуда қўл келди. Бундай тадбирда бошқа ўқувчиларимиз ҳам ота-оналари билан фаол иштирок этишса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Суратда: мусобақа қатнашчилари Дадаевлар оиласи.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

ХАЛҚ БАНКИГА — ХАЛҚАРО ФАХРИЙ ЁРЛИҚ

Республикамизда бизнесни ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки 2003 йил 9 ойлик натижаларига кўра ВЕСТЕРН ЮНИОН компанияси Шарқий филиали Президенти Курт Маркс томонидан Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан — Давлат-тижорат Халқ банки халқимизнинг ишончли ҳамкори ва оила банки сифатида кўп миллионли мижозларига замонавий хизмат турларини кўрсатиб келмоқда.

Жумладан, ВЕСТЕРН ЮНИОН тизими илк пул ўтказмаси амалга оширилганига эндигина бир йилдан ошди. Лекин ана шу қисқа вақт ичида банк фаолиятининг ушбу йўналиши бўйича юқори натижаларга эришилди.

Ҳозирги кунга келиб Халқ банки тизимида 50 дан ортиқ халқаро пул ўтказиш пунктлари республикамизнинг йирик шаҳарларида фаолият кўрсатмоқда. Ўтган қисқа вақт мобайнида 50 мингга яқин мижозга намунали хизмат кўрсатилди.

Халқ банкининг халқаро пул ўтказмалари бозорида эришган ютуқлари сабаби хизмат кўрсатиш сифатининг юқорилиги, айниқса банк мутахассислари тўловларни расмийлаштириш жараёнида доимо ўз мижозларидан ёрдамларини аямасликларидир.

Халқ банкининг халқаро пул ўтказмалари йўналишидаги фаолияти ривожи филиаллар тизими кенглиги, ички бозор чуқур таҳлил қилинганлиги билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида республикада ВЕСТЕРН ЮНИОН компанияси хизматларидан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятларини беради.

Бундай самарали фаолият натижаси келажакда Халқ банкининг халқаро пул ўтказмалари бозорида юқори ўринларда бўлишига замин яратади.

BANK XALQ BANKI

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Пул маблағларингизни тезда хоҳлаган манзилингизга жўнатишни ёки қабул қилиб олишни истайсизми?

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

ХАЛҚ БАНКИ

халқаро пул ўтказмалари хизматини таклиф этади.

«Western Union» халқаро тизими бу хизматларни орадаги масофадан қатъий назар, саноқли дақиқаларда амалга оширади.

Дунёнинг 189 давлатида фаолият кўрсатаётган «Western Union» халқаро пул тўлови тизими бугун

ХАЛҚ БАНКИДА.

Сиз пул ўтказмаларингизни Халқ банкининг барча филиалларида амалга оширишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат этишингиз мумкин: (3712) 78-84-38

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши Тошкент шаҳрининг «Илғор» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти котиби, уруш ва меҳнат фахрийси

Олим ҳожи АБДУМАЖИДОВнинг

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Арчэнеджер» фирмаси ходими Шароф Исомовга укаси

Шариф ИСОМОВнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдирамиз.

Бир гуруҳ дўстлари.

Футбол

КУТИЛМАГАН НАТИЖА

Келгуси йили Хитойда ўтадиган Осиё чемпионати иккинчи саралаш босқичи «А» гуруҳида ўйинларга старт берилди. Ушбу гуруҳда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Тожикистон, Таиланд, Сяньган (собиқ Гонгконг) мамлакатлари футболчилари билан ҳал қилувчи босқичга чиқиш учун кураш олиб бормоқда. Бу жамоаларнинг дастлабки давра учрашувлари пойтахтимиздаги «Жар» ва «Пахтакор» марказий стадионларида ўтказиляпти.

Вакилларимиз гуруҳдаги илк учрашувда Сяньган терма жамоасига қарши майдонга чиқдилар. Мазкур ўйин футболчиларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтди. Терма жамоамиз аъзолари Андрей Акопянц, Владимир Шишелов (иккита) ҳамда Анваржон Солиевлар киритган тўртта тўпга сяньганликлар бир тўп билан жавоб қайтаришди — 4:1.

Баҳслар бошланишидан авал Ўзбекистон ва Таиланд терма жамоалари гуруҳнинг етакчи жамоалари эканлиги ва уларнинг кейинги босқичга қийинчиликсиз йўл олиши эътироф этилаётганди. Бироқ Тожикистон ва Таиланд терма жамоалари ўртасида ўтказилган учрашув бу фикр асоссиз эканлигини кўрсатди — 1:0. Қўшниларимизга ғалаба келтирган ягона тўпни ўйиннинг 80-дақиқасида мухлисларимизга яхши таниш бўлган футболчи Раҳматилло Фузайлов киритди. Маълумки, Фузайлов бир неча йиллар мамлакатимизнинг «Бухоро», «Сурхон» сингари клублари шарафини ҳимоя қилганди. У ҳозирда Россия премьер лигасининг «Шинник» (Ярославль) жамоаси таркибида тўп сурмоқда.

Гуруҳдаги иккинчи тур учрашувлари бугун ўтказилади. Унда Тожикистон — Сяньган, Ўзбекистон — Таиланд терма жамоалари майдонга чиқади. Дастлабки давранинг сўнгги ўйинлари эса 10 ноябрь кунига белгиланган. Шу куни Сяньган — Таиланд, Ўзбекистон — Тожикистон терма жамоалари учрашуви бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО